

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЛЛАЕВА ЭЪТИБОРХОН МАХРАМОВНА

**ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРИ**

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on political sciences**

Маллаева Эътиборхон Махрамовна

Фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг мафкуравий
омиллари.....1-22

Маллаева Эътиборхон Махрамовна

Идеологические факторы развития политической культуры граждан
.....23-42

Mallaeva Etiborhon Mahramovna

Ideological factors of development of citizens` political culture
.....43-47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....48-50

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЛЛАЕВА ЭЪТИБОРХОН МАХРАМОВНА

**ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРИ**

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ss127 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусаев Одил Рахматович
фалсафа фанлари доктори, проф. в.б.

Расмий оппонентлар:

Ғойибназаров Шухрат Ғойибназарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Назаров Насриддин Атакулович
сиёсий фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси 5-қават, 511-хона.) Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

О.Р.Мусаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.(DSc)

Б.Т.Туйчиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда жаҳон давлатларининг глобаллашув жараёнига тортилиши ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари билан ўзини яққол намоён этмоқда. Жумладан, турли мафкураларнинг мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсирининг юқорилиги давримизнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб қолмоқда. Дунё миқёсида мафкуравий омилларнинг фуқаролар сиёсий маданияти ва жамият барқарорлигига таъсири микро – бир мамлакат, мезо – бир минтақа, макро – глобал характер касб этмоқда. Бу эса ҳозирда мавжуд мафкуравий омилларни фуқаролар сиёсий маданиятига таъсири муаммоси билан боғлиқ илмий изланишлар олиб боришни кун тартибига қўймоқда.

Жаҳон миқёсида фуқаролар сиёсий маданияти ривожланишининг самарали омилларини қамраб олган, ижтимоий-сиёсий, диний, миллий ва бошқа турдаги кадриятларга асосланган, жамиятда ишонч омилини мустаҳкамловчи феномен сифатида мафкура омиллини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш тобора кучайиб бормоқда. Шунингдек, жаҳонда мазкур тадқиқотлар мазмунида “евроцентризм”, “исломофобия”, “панамерика”, “пансоветизм”, “пантуркизм”, “панисломизм” ва бошқа шу каби тенденциялар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу боис ҳозирда фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг мафкуравий омилларини концептуал асосда тадқиқ этиш ва амалий имкониятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришни маънавий ва мафкуравий кадриятлар уйғунлигида амалга оширишни давр тақозо қилмоқда. Фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришда мафкура нақадар муҳим омил эканлигини «Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озик керак. Агар шу озикни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озикни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!»¹, дея айтилган эътироф орқали ҳам англашимиз мумкин. Шунингдек, ҳозирда ривожланишининг янги даврини бошлаган мамлакатимиз учун миллий мафкура концепциясини янада такомиллаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш механизмларини замонавийлаштириш, уни тизимли равишда тадқиқ этиш эҳтиёжи ушбу масаланинг долзарблигини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/vatanimiz-ta-diri-va-kelazhagi-y-lida-yanada-amzhi-at-b-lib--15-06-2017>

стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-5635-сон фармонлари ҳамда 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги ПҚ-3160-сон, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3907-сон, 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4307-сон қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг мафкуравий омиллари ҳақидаги илмий асосланган хулосалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарлари² ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва нутқлари³ да акс этган. Ушбу манбалар тадқиқот ишига назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш масалаларига оид тадқиқотлар минг йиллик тарихга бориб тақалади. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар, даставвал, қадимги мутафаккирлар, жумладан, сиёсатшунослик фанига тамал тошини қўйган Конфуций, Платон, Аристотель ва Абу Наср Форобий асарларида учрайди⁴. Мазкур асарларда гарчи сиёсий маданият

²Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996 - 2016.

³Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <http://uza.uz>. 07.12.2016; Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳридаги анжуманда сўзлаган нутқи // <http://www.uza.uz>. 15.06.2017; Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // <http://www.uza.uz>. 20.09.2017; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.: Ўзбекистон, 2018. – 80 -б; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи // <http://uza.uz> 06.03.2018; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz> 28.12.2018.

⁴ История политических и правовых учений. Древний мир – М.: Наука, 1985, стр.-170; Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Урфон Отажон тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. - 122-б; Аристотель. Сочинения в четырех томах. 4- том. М.: “Мысль”, 1983., стр.-508; Аристотель. Политика. Соч. в 4-х т. Т.4 – Москва. Мысль,

категорияси ишлатилмаган бўлсада, мутафаккирлар билвосита сиёсий маданиятга оид фикрларни илгари сурганлар.

Сиёсатшунослик фанига “сиёсий маданият” тушунчасининг кириб келиши немис файласуфи Иоган Гердер (1744-1803 й.) номи билан боғлиқ⁵. Ғарбда “сиёсий маданият” категориясини илмий-назарий жиҳатдан ўрганилишини А.Алмонд ва С.Верба бошлаб берган. Г.Алмонд сиёсий маданиятни “бу сиёсий тизимларни ҳам ўз ичига олувчи сиёсат объектларига нисбатан йўналтирилганликни ўзига хос намунасиدير”⁶, деб кўрсатган бўлса, С.Верба уни “сиёсий институтлар ва сиёсий хулқ-атвор кўринишлари тўғрисидаги эътиқод тизимиدير”⁷, дея таърифлаган. Ғарбда сиёсий маданият феноменини тадқиқ этишда А.Алмонд ва С.Вербадан ташқари Л.Пай, М.Вебер, У.Разенбаум, Д.Дивайн каби тадқиқотчи олимлар⁸нинг ҳам ҳиссаси катта.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)да фуқаролар сиёсий маданияти ва жамият барқарорлиги масалалари М.Кейзеров, В. Аберенков, А.Аверкин, Ю.Агешин, Е.Ю. Мелешкина, О.А. Толпыгина, В.Н. Гуляихин каби олимлар томонидан тадқиқ этилган⁹. Мазкур тадқиқотларнинг аксарияти сиёсий маданиятнинг моҳияти, унинг генезисига бағишланган.

Мамлакатимизда сиёсий маданият бўйича Б.Тўйчиев, У.Мухаммадиев, Х.Одилқориев ва Ш.Ғойибназаров каби олимлар тадқиқот олиб боришган, улар сиёсий маданиятга “Ижтимоий субъект (жамият, гуруҳ, шахс)нинг кучларини вужудга келтириш ҳамда уларни ижтимоий-сиёсий фаолиятда, унинг мақсадларида, воситаларида, усулларида ва натижаларида рўёбга чиқариш жараёнини ифода этади. У инсоннинг ижтимоий муносабатларини ўзгартириш субъекти сифатидаги ижтимоий ривожланиш мезонини очиб беради”¹⁰, дея таъриф беришган. Жумладан, Б.Тўйчиевнинг фикрича, сиёсий маданият – ижтимоий онг ва умумий маданиятнинг сиёсий институтлар ҳамда сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган қисми ва жиҳатларини камраб олади¹¹. У.Мухаммадиев эса, сиёсий маданиятга фуқаролар, муайян ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, элат, халқнинг сиёсий ҳаётга бўлган

1984.стр.-481; Абу Наср ал-Фаробий. Афлотун фалсафаси. Рус тилидан Урфон Отажон тарж. // Жаҳон адабиёти. – 2009-№ 6 (145), - 149-б; Фаробий Абу Наср.Фозил одамлар шахри.- Т.: А. Қодирий номидаги халқ мароси нашр., 1993.-160-б.

⁵ Қаранг: Гердер И. Идеи к философии истории человечества. –М.: 1977. стр.- 333-368.

⁶ Almond G. Comparative political Systems // The Journal of Politics. Vol. 18.-1956. № 3.

⁷ Almond G. Verba S. The Civil Culture: Political Attitudes and Democracy in five Countries.- Princeton, 1963.

⁸Қаранг: Devine. The Political Culture of the United States. – Boston, 1972. - 3-7-б; Ризаева Н. Сиёсий маданият генезиси. // Жамият ва бошқарув. -2008. - №1, - 86-б.

⁹Кейзеров М. Политическая и правовая культура. Методологические проблемы.-Москва.1983. стр.-14; Аберенков В. Аверкин А. Агешин Ю. Краткий Политический словарь. Политздат.,1983. стр. - 252-253; Мелешкина Е.Ю., Толпыгина О.А. Политическая культура // Политический процесс: основные аспекты и способы анализа. Москва. 2001.стр.111; Гуляихин В.Н. Россия фуқароларининг сиёсий маданиятининг аркетиплари // Социодинамика. - 2013. - № 1. стр. - 153 - 170.

¹⁰Одилқориев Х. Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият,-Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. - 54-б.

¹¹Тўйчиев Б.Т.”Политическая культура и демократизация общества”. Т.,2009г.монография.из.УЗМУ

муносабатида амал қиладиган қоидалар, таомиллар, ижтимоий ҳамда сиёсий масъуллик ҳисси мажмуи сифатида қарайди¹².

Жамият барқарорлигини таъминлаш бўйича сиёсий фанлар доктори, профессор Ш.И.Пахрутдинов ўзини “таҳдидбардош жамият” моделии илгари суради. Унда муаллиф “иқтисодий барқарорликка эришиш” мезони моделнинг тағ асосини ташкил этса, “маънавий иммунитет” мезони эса, моделнинг устки таъсирларга жавоб берувчи қисми вазифасини бажаради, дея таъкидлайди.

Мафкура масаласида Ғарб, МДХ ва мамлакатимиз олимлари томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, “мафкура” тушунчасини биринчи бўлиб илмий истеъмолга француз файласуфи ва сиёсатчиси А.Дестут де Траси киритган бўлиб, у бу атамани инсоний ҳиссий тажрибадан келиб чиқадиган ғоялар доктринаси сифатида талқин қилган. МДХ олимларидан Н.М.Сирота ва Ю.А.Кокаревалар ҳам мафкурани илмий жиҳатдан тадқиқ этганлар.

Мамлакатимиз олимларидан Ж.Туленов, К.Супов, З.Ғафуровлар, Х.Одилқориев, Д.Раззоқов, О.Мусаев, С.Мамашокиров ва Ш.Тоғаевлар¹³ ҳам мафкура бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Мамлакатимиздаги ёш олимлардан Б.Бердиев тадқиқот ишида жамият барқарорлигини таъминлашда мафкура масаласига эътибор қаратиб, мамлакатнинг бир тизимдан иккинчисига трансформациаллашувида халқнинг жипслигини таъминлайдиган, унинг дунёда глобаллашув жараёнларида юз берадиган ҳар қандай таҳликали ўзгаришларга бардошлилигини оширадиган омил – мафкура эканлигини таъкидлайди¹⁴. Яна бир тадқиқотчи Д.М.Маматқуловнинг фикрича, мафкура уч таркибий қисмдан ташкил топади. Булар: муайян тизимга солинган (илмий, фалсафий, диний ва бошқа томондан асосланган) ғоялар, категориялар, принциплар мажмуи; мафкурадаги ғоялар, категория ва принципларни жамиятга татбиқ этувчи субъектив омиллар (мафкуравий институтлар, муассасалар, ташкилотлар); ғоя ва категорияларни жамиятга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган йўллар, усуллар ва воситалар¹⁵.

Шундай қилиб, фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш борасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, лекин бугунги кунда сиёсий маданиятни ривожлантириш билан мафкура ўртасидаги диалектик алоқадорлик масаласи етарлича тадқиқ этилмаган. Диссертация ишида айнан фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг

¹²Мухаммадиев У.Н. “Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси”. Дисс.сиё. фан. Ном., Тошкент. ЎРПХСМТИ, 2002. -104-б.

¹³Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

¹⁴Бердиев Б.О. “Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари”. сиёсий. фан. бўйича фал. док. (PhD) дис. автореф. – Тошкент. 2019. –30 б.

¹⁵Маматқулов Д. “Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш”. Пед. фан. бўйича фал. док. ... дис. – Тошкент. 2018. –143 б

мафкуравий омилларини аниқлаш, бу жараёнда миллий мафкура ролини кучайтириш масалалари илмий тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари” мавзуидаги амалий - илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятда фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг мафкуравий омилларини аниқлаш ҳамда бу жараёнда миллий ғоянинг ролини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сиёсий фанларда сиёсий маданият категорияси бўйича дастлабки қарашлар, уларнинг ривожланиш босқичлари, бу борадаги илмий-назарий тадқиқотларни тизимлаштириш;

“мафкура” тушунчаси, унинг тузилиши ва фуқаролар сиёсий маданиятига таъсирини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали сиёсий маданият ва мафкуралар ўртасидаги диалектик алоқадорликни аниқлаш;

сиёсий маданият ривожланишига таъсир этувчи тарихий мафкуравий омилларни таҳлил қилиш, уларни қиёсий ўрганиш, моҳиятини очиш ва турли илмий ёндашувлар асосида миллий мафкура концепциясидаги категорияларни аниқлаштириш;

миллий мафкура асосида фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитларини аниқлаш ва шу орқали ушбу шарт-шароитларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда миллий мафкура асосида фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети фуқаролар сиёсий маданиятининг ривожланиш босқичлари, мафкуравий омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий ғоянинг ушбу жараёндаги иштироки каби масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда эмпирик кузатув, мантиқийлик, анализ ва синтез, тарихий-қиёсий таҳлил, тизимлилик ва умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фуқаролар сиёсий маданияти ва мафкура ўртасидаги диалектик алоқадорлик ҳамда мафкура таркибидаги дихотомик (эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, яратувчанлик ва вайронкорлик каби) характердаги бир бирига қарама-қарши бўлган категорияларнинг фуқаролар сиёсий онгига таъсири илмий жиҳатдан очиб берилган;

демократик жамиятларда фуқароларнинг сиёсий маданият даражасини аниқловчи мезонлари ментал хусусиятларни (диний омиллар, миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналар) инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари сифатида фуқаро+давлат, фуқаро+таълим тизими, фуқаро+ННТ, фуқаро+сиёсий партия, фуқаро+миллий ғоя форматида ижтимоий ҳамкорликнийўлга қўйиш лозимлиги очиб берилган;

фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва жамият барқарорлигини таъминлашжараёнида миллий мафкура концепциясини такомиллаштиришда миллий, ҳудудий, минтақавий, умуминсоний хусусиятларни ҳисобга олиш лозимлиги каби тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришда мафкуравий омилларнинг моҳияти, турлари, ушбу жараёнда миллий мафкура омилини концептуал ривожлантириш бўйича илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

тарихий ва замонавий тажрибани танқидий жиҳатдан ўрганиш асосида фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришда миллий мафкурани ролини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишнинг назарий ва амалий тадқиқот методлари ҳамда мавзу юзасидан тарихий ва фактографик маълумотларнинг таҳлил этилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги илмий натижаларнинг ишончлилиги даражасини белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий асосларини ўрганишнинг назарий жиҳатларини янада бойитиш, олий таълим муассасаларида миллий мафкура билан боғлиқ фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан ижтимоий сиёсат ва маънавий-мафкуравий фаолият билан шуғулланувчи давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тадқиқотлар олиб борадиган илмий ва илмий тадқиқот муассасалари фаолиятида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг натижалари, ундаги илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий

этилатгани бўйича қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган:

фуқаролар сиёсий маданияти ва мафкура ўртасидаги диалектик алоқадорлик ҳамда мафкура таркибидаги дихотомик (эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, яратувчанлик ва вайронкорлик каби) характердаги бир бирига қарама-қарши бўлган категорияларнинг фуқаролар сиёсий онгига таъсири илмий жиҳатдан очиб берилганлигига доир хулосалардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2019 йилга мўлжалланган иш режасининг V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар бўлимининг 27. “Фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш ҳамда миллатлараро муносабатларни янада жадаллаштириш мақсадида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш” ҳамда 28. “Миллий ахборот маконини ҳимоя қилиш бўйича Интернет тармоғида миллий контентни ривожлантириш” бандлари ижросида фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 01-616 сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мафкурасини ишлаб чиқиш ва унинг тарғибот ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган;

демократик жамиятларда фуқаролар сиёсий маданият даражасини аниқловчи мезонларнинг ментал хусусиятларини (миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналар) инобатга олиш ҳамда сиёсий маданият ривожланишига таъсир этувчи тарихий мафкуравий омилларни қиёсий ўрганиш орқали миллий мафкура концепциясини такомиллаштиришда тарихий, миллий, диний омилларга таяниш лозимлигига оид таклиф ва тавсиялардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йилда ёшлар сиёсий маданияти ривожланишига таъсир этувчи қўшимча чора-тадбирлар дастурининг 1-бўлим 12-бандини амалга оширишда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 6 октябрдаги 01-525-сон маълумотномаси). Ушбу хулоса ва таклифлар институтнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнида ННТ ва сиёсий партиялар ролини мустақамлашга доир методик қўлланма ва «йўл харита»ларини ишлаб чиқишда илмий манба бўлиб хизмат қилган;

фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари сифатида фуқаро+давлат, фуқаро+таълим тизими, фуқаро+ННТ, фуқаро+сиёсий партия, фуқаро+миллий ғоя форматида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2019 йилга мўлжалланган иш режасининг IV. “Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар” бўлимининг 17. “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида «Ўзбекистон тарихи» канали ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини миллий мафкура ғоялари билан тўйинтириш” ҳамда,

21. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимиз, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қаҳрамонларимиз жасоратини ёшлар онгига болаликдан бошлаб сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш ва сиёсий маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш” каби бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 01-616 сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси иш режасига киритилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш ва жамият барқарорлигини таъминлашнинг мафқуравий омилларига партия эътиборини янада кучайтиришга катта ҳисса қўшган;

фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва жамият барқарорлигини таъминлаш жараёнида миллий мафқура концепциясини такомиллаштиришда миллий, ҳудудий, минтақавий, умуминсоний хусусиятларни ҳисобга олиш лозимлиги юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнида мафқура ва маънавий-ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ қилиш соҳасидаги фаолиятида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 11 февралдаги 1654-сон маълумотномаси). Натижада Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар” Дастурининг VI боби “Жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, коррупция, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий кадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган тадбирлар” қисмида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 15 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий нашрларда, 4 таси республика нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 164 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Сиёсий маданият” ва “мафкура” тушунчаларининг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида “сиёсий маданият” тушунчаси тарихий ва илмий жиҳатдан таҳлил этилган, “мафкура” тушунчаси, унинг тузилиши ва фуқаролар сиёсий маданиятига таъсири, сиёсий маданият, мафкура ва мафкуравий категориялар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг назарий жиҳатлари очиқ берилган.

Тадқиқотлардан маълумки, тарихан жамиятнинг сиёсий маданияти юксалишида ё аксинча, турғунлашувида муайян мафкуралар асосий роль ўйнаган. Диссертациянинг тадқиқот объекти айнан фуқароларнинг сиёсий маданияти ривожланишига таъсир этувчи мафкуравий омиллар ҳисобланади.

Сиёсий маданият ва унга таъсир этувчи мафкуравий омиллар ўртасидаги диалектик боғлиқликни ўрганиш анча мураккаб иш ҳисобланади. Шунга кўра, тадқиқотда ишни, энг аввало, мазкур тушунчалар мазмун-моҳиятини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Сиёсий тизим ва жамиятнинг барқарорлигини таъминловчи сиёсий маданият (эгаси бўлган фуқаро) субстанциясига доир изланишлар қадимги Хитойда мутафаккир Конфуций (мил.авв. 551-479 й.) томонидан амалга оширилган. У давлат ҳукмдори ва давлат хизматчиларини сиёсий тузумнинг барқарор ривожланишини таъминловчи куч сифатида кўрган. Конфуций ўз таълимотида айнан “сиёсий маданият” тушунчасини ишлатмаган бўлсада, лекин у мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда инсондаги (ли) жамиятда ўрнатилган меъёрларга мос тамойилларга эга бўлиш, (де) доимо ўзини такомиллаштириб туриш, (жень) доимо инсонларга муҳаббат билан қараш, (и) инсоний бурч ва адолатни ҳис этиш, (чжи) билимга интилиш, (сао ва ди) ёши улуғларни ҳурмат қилиш, (чжун) ўз садоқатини кўрсатиб туриш, (жан) кишилар билан муомалада юмшоқлик, (цзин) кишилар орасида обрўсини сақлай олиш каби ҳаётий тамойиллар юксак аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб беради¹⁶. Бу билан мутафаккир индивидуал сиёсий маданиятнинг асосий белгиларини кўрсатиб ўтган.

¹⁶ История политических и правовых учений. Древний мир – М.: Наука, 1985, стр.-170.

Сиёсий маданият мазмунига ҳамоҳанг бўлган фикрлар қадимги юнон мутафаккирлари томонидан ҳам илгари сурилган бўлиб, айниқса, уларнинг ичида машҳур файласуф Платоннинг қарашлари диққатга сазовор. Платон (мил.авв. 427-347 й.) сиёсатга доир “Давлат”, “Сиёсатчи”, “Тимей”, “Критий”, “Парменит”, “Қонунлар”, “Софист” каби асарлар муаллифидир. Унинг фикрича, жамиятда уч табақа ўз иши билан машғул бўлмоғи, уларнинг бирортаси ҳам ўзганинг ишига аралашмаслиги керак, шундагина уч табақа фазилати кўшулуvidан адолат ҳосил бўлади .

Мутафаккир Аристотель ўз асарларида ўрта табақа вакилларининг сиёсий ҳаётда тутган ўрнига юксак баҳо беради ва уни шундай асослайди: “... энг муҳими – давлат мулоқоти ўрта қатлам орқали амалга оширилганидир; ўрта қатлам кўпчиликини ташкил этган давлат маъқулдир; чунки, ўрта қатлам бой ва камбағаллар синфининг ҳар иккаласидан ҳам, уларнинг ҳар биридан ҳам кучлидир”. Аристотель бу фикри орқали ўрта табақа вакилларида сиёсий маданият мавжудлигини эътироф этади, бу билан жамиятдаги энг бой ва энг кўйи табақа вакилларида сиёсий маданият мавжуд бўлишига шубҳа билдиради. Аллома инсон тўғрисида: “ўз моҳиятига кўра сиёсий мавжудотдир”¹⁷, деган фикрни илгари суриб, унга адолат ва адолатсизликнинг фарқини англайдиган ягона мавжудот сифатида қарайди. Мутафаккир бундай зиддиятли фикрлари орқали ҳар бир инсон моҳиятига табиатан сиёсийлик хос эканини, лекин амалий ҳаётда унинг (сиёсий маданиятнинг) даражалари мавжуд бўлишини эътироф этган.

Давлат ва жамият тараққиётида инсон омили, унинг сиёсий фаолияти ва сиёсий маданиятига доир илмий изланишлар Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари назаридан ҳам четда қолмаган. Мазкур соҳада улкан илмий изланишлар олиб борган олимлардан бири бу Абу Наср Форобийдир (873-950 йй.). Форобий ўз асарларида инсонга ижтимоий мавжудот дея қараган ва у ҳақида шундай деган: “Ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтожлик сезади, унинг бир ўзи эса бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Шу боис уларга эга бўлишида кишилиқ жамоасига эҳтиёж сезади”¹⁸. Мутафаккирнинг мазкур фикри орқали кишилар сиёсий маданияти бевосита ижтимоий муҳит ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар таъсирида шаклланиб боришини тушуниб олиш мумкин.

Замонавий тадқиқотчилардан У.Муҳаммадиевнинг фикрича, “сиёсий маданиятга фуқаролар, муайян ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, элат, халқнинг сиёсий ҳаётга бўлган муносабатида амал қиладиган қоидалар, таомиллар, ижтимоий ҳамда сиёсий масъуллик ҳисси мажмуи сифатида қараш мумкин. Сиёсий маданият миллий – маънавий маданият негизиди, муайян урф-одатлар, кадриятлар, анъаналар таъсирида шаклланади ва ўзига

¹⁷Аристотель. Сочинения в четырех томах. 4- том. Москва. “Мысль”, 1983., стр.-508.

¹⁸Форобий Абу Наср.Фозил одамлар шахри.-Т.,А. Қодирий номидаги халқ мароси., 1993.-186-бет.

хослик касб этади”¹⁹. Шу ўринда айтиш лозимки, У.Мухаммадиев ўз тадқиқоти натижасидан келиб чиққан ҳолда “миллий сиёсий маданият” ёки “сиёсий маданиятнинг миллий модели” атамасини илмий доирага киритиш орқали сиёсий маданиятнинг ҳам миллий негизларини, ҳам умуминсоний жиҳатларини тўғри тушуниш ва кенгроқ англаш мумкинлигини қайд этади.

Мазкур бобда, биринчидан, “сиёсий маданият” ва “мафкура” тушунчалари бўйича қадимги Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашлари, Ғарб олимлари тадқиқотлари орқали ХХ аср ўрталарида бошланган сиёсий маданият институтини илмий тадқиқотнинг асосий йўналишига айланиши жараёни, ХХ аср охири ва ХХІ асрда глобаллашув жараёнининг вужудга келиши натижасида сиёсий маданият институтининг кенг кўламда ўрганишни бошланиши ва тараққиёти жараёнлари таҳлил этилиши режалаштирилган.

Иккинчидан, “мафкура” тушунчасини бугунги “Сиёсатшунослик” фанида чуқур таҳлил этиш, сиёсий ва мафкуравий амалиётда кишиларнинг билиши, баҳолаши ва фаолият юритишига бевосита таъсир этадиган, дунёқараш функцияси эга бўлган тушунчаларни ифодаловчи “мафкуравий категория” тушунчасини ўрганиш режалаштирилган. Ушбу бобда “мафкуравий категория” тушунчасини чуқур таҳлил этиш илмий ижод жараёнида мафкура ва мафкуравий категорияларга доир тадқиқот ишларини кенгайтиришга, сиёсий соҳада эса, мафкуравий амалиётни назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ташкиллашга олиб келади.

Учинчидан, бугунги ахборотлашган дунёда сиёсий воқеликни ёритишга қаратилган ахборотларнинг барчасини ҳам, объектив, илмий асосга эга, деб бўлмайди. Бундай ахборотлар шахсда носоғлом сиёсий эътиқодни вужудга келтиради. Фуқародаги носоғлом сиёсий эътиқод фақатгина унинг сиёсий ҳиссиётини жунбушга келтиришга асос бўлади. Шунга кўра, ушбу бобда мафкура ва категорияларни фуқароларнинг воқеликни билиши, баҳолаши ва фаолият юритишга таъсир этиши мумкин бўлган масалалар илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Диссертациянинг **“Мафкуравий омилларнинг фуқаролар сиёсий маданияти ва жамият барқарорлигига таъсири”** деб номланган иккинчи бобида мафкура ва унинг категориялари асосида фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш муаммолари, фуқаролар сиёсий маданиятига таъсир этишда мафкуралар: ислом мафкураси тажрибаси, коммунистик мафкура тажрибаси каби масалалар Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат таҳлиliga эътибор қаратилган.

Ушбу бобда, аввало, сиёсий ва мафкуравий амалиётда миллий мафкура структураси учун зарур бўлган, фуқароларга “дўст” ва “душман” дихотомиясини кўрсатиб берувчи идеал образларни ифодаловчи, “душман” образларни ифодаловчи ҳамда ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категориялари таҳлил этилган;

¹⁹Мухаммадиев У.Н. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Дисс.сиё. фан. ном., Т.: ЎРПҲСМТИ, 2002. -104-бет.

- миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнида тарихий тажрибани ўрганишда ислом мафкурасининг тажрибасини ўрганиш, жумладан, ислом мафкурасидаги идеал ҳамда “душман” образларини ифодаловчи категорияларни кишилар онгига таъсири масалаларини, ислом таълимотидан тор, сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уринаётган кучлар ҳам мавжуд. Улар ўз мақсадларига эришиш йўлида кишилар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган ислом ғоялари ва категорияларни ўта сиёсийлаштириб, “ўзиники” қилиб олиш сабаблари очиқ берилган;

- тарихий мафкураларда инсоннинг онги ва қалбига таъсир этиш борасида улкан тажриба мавжудлигини ҳисобга олиб, коммунистик мафкурадаги мафкуравий категориялар моҳиятини таҳлил этиб, уларга илмий баҳо берилган;

- ҳар қандай (бунёдкор ёки вайронкор) мафкура ўз ютуқ ва хатолари орқали мафкура соҳасида катта тарихий тажриба қолдиришини илмий далиллар асосида исботлаш ҳамда мазкур тажрибани чуқур тадқиқ этиш ва олинган натижаларга ижодий ёндашган ҳолда улардан миллий мафкура амалиётида унумли фойдаланиш йўллари кўрсатиш ҳамда шу орқали фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва жамият барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Маълумки, бугунги ўта мураккаб даврда мустамлакачи кучларнинг янгича кураш усули бўлган мафкуравий полигонлар тобора кучайиб бормоқда. Мафкуравий хуруж реал бўлган мана шундай шароитда Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини таъминлаган ҳолда, уларнинг онгида етарлича сиёсий маданият ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўлидан бормоқда. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу ходисаларни бартараф этиш муаммоси мафкуравий амалиётда миллий мафкура структураси учун зарур бўлган, фуқароларга “дўст” ва “душман” дихотомиясини кўрсатиб берувчи идеал шунингдек, “душман” образларни ҳамда ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категорияларни ишлаб чиқишни кун тартибига қўймоқда, бу биринчидан.

Иккинчидан, миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнида тарихий тажрибани ўрганиш ҳам долзарб масаладир. Бу вазифа бажарилса, тарихий ворисийлик сақланиб қолиши, тарихий ва бугунги амалиётдаги мафкураларни хатосини такрорламаслик имконияти вужудга келади. Бу ҳаракатлар натижасидамиллий мафкура структуравий жиҳатдан мукамал ва ўта рақобатдош мафкура сифатида шаклланиб боради.

Учинчидан, миллий мафкура шаклланиш жараёнида тарихий тажрибани ўрганишда ислом мафкурасининг тажрибаси жуда зарур. Чунки, тарихан:

- ислом мафкурасидаги идеал инсон образларини ифодаловчи муслим-муслима, мўмин-мўмина, шаҳид каби категориялар кишиларга, инсонийликни, дин, миллат ва давлат олдидаги бурчларини чуқур англашларига туртки бера олган. Идеал маконни ифодаловчи жаннат, ризвон

ёки дорул-бақо категориялари дин, миллат ва давлат олдидаги бурчини бажараётган кишилар учун сўнгги ва олий мақомдаги рағбат вазифасини ўтаган. Дўзах ва жаҳаннам категориялари эса, кишиларни доимо абадий азоб-укубатдан огоҳлантириб, уларни бурч (фарз)ига садоқатини мустаҳкамлаб турган;


- ислом мафкурасидаги категориялар бутун борлиқни дихотомик тарзда ифодалаган ҳолда дастлаб сиёсий функцияларни ҳам бажарган. Мазкур категорияларнинг сиёсий функцияси VII, VIII асрларда кўчманчи араб қабилаларини бир маслакка ишонтирган ҳолда сиёсий онги ва маданиятини ўстириб, уларни ягона давлат атрофида бирлаштиришда намоён бўлган. Кейинчалик ислом мафкурасидаги категориялар сиёсий функциясини йўқота борган мафкуравий амалиётда кўпроқ ижтимоий-маънавий функцияни бажара бошлаган;

- бугунги кунда ислом таълимотидан тор, сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уринаётган кучлар ҳам мавжуд. Улар ўз мақсадларига эришиш йўлида кишиларнинг қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган ислом ғоялари ва категорияларини ўта сиёсийлаштириб “ўзиники” қилиб олмоқда. Натижада, ислом мафкурасининг мусулмон, шаҳид, кофир, жиҳод ва бошқа шу каби категориялари ўта сиёсийлашиб, аввалдан маърифатли ислом таълимотига эътиқод қўйган мусулмонларнинг чалғишига ҳамда уларнинг баъзиларида носоғлом сиёсий эътиқод ва унинг негизида шаклланувчи сиёсий ҳиссиётларни жунбушга келишига олиб келмоқда. Бундай ғаразли ниятдаги кучларнинг мамлакатимизда ҳам мавжудлиги муқаддас ислом дини моҳиятига салбий таъсир этиши баробарида халқимизнинг сиёсий онги ва сиёсий эътиқоди соғлом асосда ривожланишига катта хавф туғдирмоқда. Бу жамиятимиздаги мафкураларнинг моҳиятини, улардаги категориялар кишилар сиёсий онгига таъсирини тўлиқ ўрганишни кун тартибига қўймоқда.

Тўртинчидан, тарихий мафкураларда инсоннинг онги ва қалбига таъсир этиш борасида улкан тажриба мавжуд. Коммунистик мафкура ҳам ўз даврида мафкуравий категориялар орқали катта натижаларга эришган мафкура ҳисобланади. Лекин, унда кўрсатилган умумий ғоя ва мақсад, илмий ва умуминсоний асослардан узоқ бўлганлиги ҳамда душман кучлар сунъий равишда ўйлаб топилганлиги ва муболағали тарзда бўрттириб юборилганлиги сиёсий ҳаётда кишилар сиёсий маданиятини ўрта асрлар (партихал сиёсий маданият) ҳолатига тушишига олиб келган. Сиёсий амалиётда коммунистик мафкура ва унинг категориялари орқали вужудга келган мазкур ҳолат айнан СССРнинг ўзини ҳам инқироз томон етаклаган.

Бешинчидан, ҳар қандай (бунёдкор ёки вайронкор) мафкура ҳам ўз ютуқ ва хатолари орқали мафкура соҳасида жуда катта тарихий тажриба қолдиради. Мазкур тажрибани ҳозирда чуқур тадқиқ этиш ҳамда олинган натижаларга ижодий ёндашган ҳолда, улардан миллий мафкура амалиётида унумли фойдаланиш фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришда асосий роль ўйнайди.

Тадқиқотнинг “**Фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришда миллий мафқуранинг ўрни**” деб номланган учинчи бобида миллий мафкура асосида фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари: муаммо ва ечимлари кўрсатиб берилган ҳамда миллий мафкура асосида фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омили, ривожлантириш динамикаси каби масалалар кўриб чиқилган (1-рasm).



1-рasm. Миллий мафкура орқали фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг назарий асослари²⁰

Бизнинг фикримизча, миллий мафқурани ишлаб чиқиш жараёни бошланган вақтдан то шу бугунгача унинг асосини ташкил қилувчи бош ва асосий ғоялар, принциплар ва қатор асосий тушунчалари шаклланди. Ҳозирги вақтда мазкур ғоялар, принцип ва тушунчалар мафкурaviy амалиётда Ўзбекистон халқи онги ҳар томонлама ривожланиши ҳамда уларни турли ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоялашда асосий роль ўйнамоқда. Шунга қарамай, бугунги шиддатли замон мафкурaviy амалиётида миллий мафкура ўз функцияларини бажариш борасида

²⁰Ушбу чизма тадқиқот материаллари асосида ишлаб чиқилган. - Э. М.

рақобатдаги мафкуралардан анча ортда қолмоқда. Бунинг сабаби, жамиятда мафкуравий иш нотўғри йўлга қўйилганлигида эмас, аксинча, бизни бу тезкор тараққиёт даврида мафкура соҳасини тўла такомиллаштириб, уни амалга оширишда қатъият кўрсата олмаётганимизда.

